

# Э Ё Л О Н !

## Лутфий МФЙ (1,64 га) хуудида комплекс ривожлантириш (реновация) лойихасини амалга ошириш учун инвесторни танлаб олиш юзасидан Дастлабки – Малака босқичи ўтказилиши тўғрисида

Тошкент шаҳри

2025 йил 28 январ

**Дастлабки – Малака босқичининг ўтказилиш санаси**

2025 йил 04 феврал

### **Иштирок этиш шартлари**

1. Дастлабки – Малака босқичида иштирок этиш истагини билдирган инвесторлар (иштирокчилар) иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан сўралган хужжатлар ва маълумотларни қоғоз ёки электрон хужжат шаклида илова қилган ҳолда мурожаат қиладилар (1 илова).

2. Дастлабки – Малака босқичида инвесторлар (иштирокчилар) унинг ўтказилиш санасида ўз қонуний вакиллари орқали бевосита қатнашишлари мумкин.

### **Тақдим қилиниши зарур бўлган хужжатлар тўплами**

1. Иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилган ариза сўралган хужжатлар ва маълумотларни илова қилган ҳолда.

2. Инвестор (иштирокчи) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

3. Инвестор (иштирокчи) Уставининг нусхаси.

4. Инвестор (иштирокчи) (унинг таъсисчиси (иштирокчиси) ёки унинг ҳар қандай шўба корхоналари, асосий компанияси, у боғлиқ бўлган ва (ёки) у томонидан жалб қилинган лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилоти охириги 5 йил ичида реновация лойиҳаси доирасида янги қурилиши режалаштирилган объектлар умумий майдонининг камида ўн фоизи (5000 м<sup>2</sup>) миқдорида қурилиш тажрибасига (объектни фойдаланишга топширилганлигини тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда) эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар (2 илова).

5. Инвесторнинг (иштирокчининг) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумот (резидентлар учун) (my.gov.uz сайтидан).

6. Инвесторнинг (иштирокчининг) банкротлик белгилари ёки банкротлик тўғрисидаги қарорларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот (резидентлар учун) (my.gov.uz сайтидан).

**Ҳужжатларни қабул қилиш  
манзили**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,  
Чилонзор тумани, “Ислом Каримов” шоҳ кўчаси,  
51-уй (почта индекси: 100066, тел.: +998712100261,  
el. pochta: info@toshkentinvest.uz ва  
i.karimov@tashkentinvest.com манзилига.

**Ҳужжатларни қабул қилиш  
сўнги санаси**

**2025 йил 04 феврал соат 18:00 гача.**

*Асос: Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 10 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманини комплекс ривожлантириш ва реновация ҳудудининг чегарасини белгилаш ҳамда ушбу ҳудудда лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида”ги 901-14-0-Қ/24-сонли қарори.*

**Эслатма:**

1. Аризага иловалар PDF форматида бўлиши шарт.
2. Аризани электрон почта орқали юборишда хатнинг мавзусини кўрсатиш шарт.
3. Ҳар бир файл ҳужжат номига эга бўлиши шарт.
4. Ариза ва ҳужжатлар топшириш муддати бузилган ва (ёки) улардаги маълумотлар тўлақонли эмас ва ишончсиз деб топилган тақдирда, аризани кўриб чиқишни рад этилади.  
Бунда, Инвестор тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончилиги учун шахсан жавобгар бўлади.
5. Аризаларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг комиссия ариза ва ҳужжатларни 3 иш кун ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.
6. Қабул қилинган қарорнинг кўчирмаси Компания томонидан 2 (икки) иш куни муддатда Компания сайтида жойлаштирилади

(Компания блакансида)

Исх. № \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 г

«Тошкент Инвест Компанияси»  
АЖ Бошқаруви раиси  
Б.А Шакировга

*Хурматли, Баҳром Аскаралиевич!*

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 24 июлдаги “Тошкент шаҳрининг \_\_\_\_\_ туманини комплекс ривожланиш ва реновация ҳудудининг чегарасини белгилаш ҳамда ушбу ҳудудда лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги \_\_\_\_\_-сонли қарори билан \_\_\_\_\_ МФЙ ҳудудида реновация лойҳасини таклиф қилиш бўйича малака босқичида иштирок этиш тўғрисидаги эълон қилинган.

“ \_\_\_\_\_ ” МЧЖ Инвестор сифатида мазкур танловининг малака босқичида иштирок этиш истагини билдиради.

Шу мақсадда, танлов шартига мувофиқ, тажриба тўғрисидаги маълумотлар, таъсис ҳужжатлари, солиқ, қарздорлиги ва банкротлик белгилари (қарори) мавжуд эмаслигига оид ҳужжатлар тақдим этилмоқда.

Илова: “ \_\_\_\_ ” варақда.

**Хурмат билан,**

**Директор**

**Ф.И.Ш.**



Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлиги  
хузуридаги Қурилиш  
соҳасида назорат  
инспекцияси

№ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX  
Хужжат яратилган сана: XXXX XXXX  
Ариза рақами: XXXXX

Хужжат берилган:  
SHEKLANGAN JAMIYAT  
СТИР:

**Қурилиши (реконструкция) тугалланган объектдан фойдаланиш учун  
РУХСАТНОМА**

Ариза рақами: XXXXXXXX

Берилган санаси:

" нинг XXXXXXXXXXXX -сонли аризасига мувофиқ МФЙ, , 1-уй манзилидаги қурилиш (реконструкция) тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат этилди. Мазкур рухсатнома объектдан фойдаланиш учун асос бўлади.

*Мазкур рухсатнома кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.*

Бино ва иншоотнинг номи	Кадастр рақами	Бинолар сони	Умумий майдон (ташки) (м <sup>2</sup> )	Умумий фойдаланиш майдони (м <sup>2</sup> )	Яшаш майдони (м <sup>2</sup> )	Қурилиш ости майдони (м <sup>2</sup> )
Ко`р қavatli turar joy (16 qavatli)	XX:XX:XX:XX:XX:XXXX	1	XXXX	XXXX	XXXX	XXXX
<b>Жами:</b>		<b>1</b>	XXXX	XXXX	XXXX	XXXX

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини [gero.gov.uz](http://gero.gov.uz) веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

XXXX QR cod